



Жанубий ҚОЗОҒИСТОН

janubiy.kz

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2025 йил 23 сентябрь, сешанба, №101 (3602).



КУН РАҚАМИ

600 мингдан ортиқ сўровнома ишти-
рокчилари қишлоқ хўжалигини рўйхатга
олишнинг дастлабки босқичи доирасида
онлайн суровдан ўтдилар.

Президент

ҚОЗОҒИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ
ҚАСИМ-ЖҲУМАРТ
ТЎҚАЕВ АМАЛИЙ
ТАШРИФ БИЛАН
НЬУ-ЙОРК
ШАҲРИГА
БОРДИ



Президент БМТ Бош Ассамблеясида маъруза қилди

Давлат раҳбари БМТ Бош Ассамблеясининг
80-сессиясида иштирок этди, қатор давлат ва халқ-
қаро ташкилотлар раҳбарлари билан музокаралар
олиб борди.

Ташриф доирасида АҚШ-
нинг йирик бизнес етакчилари
иштирокида давра суҳба-
ти ўтказилди. Шунингдек,
Президент дунёдаги етакчи
компаниялар раҳбарлари
билан учрашувлар ўтказди,
деб хабар берди Прези-
дентнинг матбуот хизмати.

Ташриф доирасида Пре-
зидент «Самеско» корпо-
рацияси раҳбарини қабул
қилди.

Қозоғистон Республикаси
Президенти Қасим-Жумарт
Тўқаевнинг Нью-Йорк шаҳ-
ридаги ишчи ташрифи дои-
расида Канададаги йирик
трансмиллий компаниялар-
дан бири – «Самеско» кор-
порацияси президенти Тим
Гитцель билан учрашди.

Мулоқотда уран қазиб
чиқариш соҳасидаги ҳам-
корлик истиқболлари ва
янги йўналишлар муҳокама
этилди.

Давлат раҳбари таъ-
кидлаганидек, Қозоғистон
энергетика соҳасини ян-
ги босқичга олиб чиқиш
йўлида учта атом электр
станциясини қуриш режа-
лаштирилган. Бу жараёнда
инновацион технологиялар-
ни жорий этиш ва самарали
тажриба алмашиш муҳим
аҳамиятга эга.

Президент Қасим-Жў-
март Тўқаев корпорация-
нинг «Қазатомөнеркәсіп»
миллий компанияси билан
узоқ йиллик ишончли ҳам-
корлигини алоҳида эътироф

этди. Ушбу давр мобай-
нида компания мамлакат
иқтисодиётига 500 миллион
доллардан зиёд сармоя
киритган, замонавий тех-
нологияларни жалб этиш
ва кадрлар тайёрлаш жа-
раёнига салмоқли ҳисса
қўшган.

Учрашувда компания
раҳбари Тим Гитцель Тур-
кистон вилоятида жойлаш-
ган «Инкай» қўшма кор-
хонаси фаолияти ҳақида
маълумот берди. Мазкур
корхона чорак асрдан буён
конни самарали ўзлашти-
риб келмоқда ҳамда Қозо-
ғистон–Канада стратегик
шериклигининг ёрқин наму-
наси ҳисобланади.

Учрашув самимий руҳда
ўтиб, томонлар атом энер-
гетикаси ва уран саноати-
даги ҳамкорликни янада
ривожлантиришга тайёр
эканлигини маълум қилди-
лар.

“Дўстликдан кишилар топгай саодат...”

ШИМКЕНТДА ЎЗБЕК ЭТНОСИ КУНИ НИШОНЛАНДИ



Kazinform. “Дўстлик” ҳамжамияти ва этномаданият бирлаш-
маларининг ташаббуси маданий ранг-баранглик ва миллатлар
тотувлигини яна бир қарра намоён этди.

Қозоғистон халқи Ассамблея-
сининг 30 йиллиги доирасида
Шимкент шаҳри марказий исти-
роҳат боғи янада гўзал манзара
касб этиб, шодлик ва тантана
майдонига айланди. Бу ерда Қо-
зғистон Республикаси ўзбекларининг
“Дўстлик” этномаданият
бирлашмалари ҳамда “Дўстлик”
ҳамжамияти ташаббуси билан
“Ўзбек тили, маданияти ва анъа-
налари кун”и кенг нишонланди.

Байрамона тadbир Шимкент
шаҳар ўзбек драма театри ижод-
корлари сахналаштирган Абай ва
Алишер Навоий образларининг
чиқиши билан очилди. Бу рамзий
сахна кўриниши икки халқнинг
маънавий дунёси ва умумий қа-
дрийатларини яна бир бор ёдга
солди. Шундан сўнг меҳмонлар
миллий анъаналар, турли ҳунар-
мандчилик буюмлари ва миллий
кадриятлар намоиш этилган кўр-

газмаларни томоша қилдилар.

Тadbирда давлат ва жамоат
арбоблари, нуфузли меҳмонлар
иштирок этди. Жумладан, Қозо-
ғистон Республикаси Парламенти
Сенати депутаты Алишер Сотвол-
диев, Қозоғистон халқи Ассамб-
леяси Котибияти шўъбаси мудири
Қайрат Баймўлдинов, “Дўстлик”
ҳамжамияти раиси Икромжон Хо-
шимжонов, Шимкент шаҳар ички
сиёсат ва ёшлар билан ишлаш
бўлими раҳбарининг вазифасини
бажарувчи Занғарбек Усупахме-
тов, “Жамоат тотувлиги” жамоат
ташкilotи раҳбари Нуркен Алим-
кулов, шаҳар ўзбек этномаданият
бирлашмаси раиси Тоҳирбек Ни-
шонбоев ва бошқалар тантана
иштирокчиларига самимий тилак-
ларини изҳор этдилар.

Маданий дастур жуда ранг-
баранг бўлди. Муқимий номидаги
13-мактабнинг “Баҳор” рақс даста-

си ўзбек ва қозоқ халқ рақсларини
ижро этди. Шимкент шаҳар драма
театри сахнасида “Сары жайлау”
композицияси намоиш этилди.
Опера ва балет театри хонандаси
Неъматилла Зикриллаев машҳур
қўшиқлар – Тўлеген Мухамеджа-
новнинг “Ватан”, А. Зацепиннинг
“Тингла” тароналарини ижро этди.
Шунингдек, театр актрисаси Шо-
ҳиста Усмонова ўзбек халқ куйи
– “Мустахзод”ни куйлаб, байрамга
завқ бағишлади.

Шу кунги бир гуруҳ фаоллар
этномаданий алоқаларни мустақ-
камлашга қўшган муносиб ҳисса-
си учун тақдирланди.

Алишер Навоийнинг “Дўст-
ликдан кишилар топгай саодат”,
деган пурхикмат сўзлари бугунги
тантана мазмунини янада теран
ифода этди. Чунки байрам сах-
насида Навоий ва Абай тим-
соллари бирга намоён бўлиб,
икки халқнинг умумий маънавий
мероси, дўстлик ва бирлик ғояси
жонланди.



Қозоғистон Республикаси Мустақиллигига – 34 йил

Мустақилликнинг 34 йили – ўз тарихида илк бор замонавий давлат
барпо этган Қозоғистон халқи оламшумул ютуқларининг ёрқин ифода-
сидир. Бу даврда мамлакат олға силжиш ва барқарор тараққиёт йўлидан
дадил қадам ташлади.

Мустақил Қозоғистон ўзининг шонли тарихи билан муваффақиятли давлат
ҳамда бутун Марказий Осиё минтақасининг етакчиси эканлигини амалда ис-
ботлади. Ортада қолган қисқа давр мобайнида мамлакат иқтисодиёти жадал
ривожланди, сиёсий жиҳатдан барқарор давлат сифатида шаклланди. Барча
соҳаларда йирик ўзгаришлар амалга оширилди.

Энг асосийси, бу ютуқ ва зафарлар ҳар бир қозоғистонликнинг тинимсиз
меҳнати ва фидойилиги туфайли қўлга киритилди. Давлат раҳбарининг са-
марали ташаббуслари туфайли юртимиз юксак халқаро нуфузга эга бўлди.
Қозоғистон дунёдаги ядровий қуролсизланиш ҳаракатининг чинакам қарвон-
бошичи сифатида танилди.

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ КОНУНИЙ АСОСЛАРИ

1990 йил 25 октябрда Қозоғистон
Республикасининг давлат мустақил-
лигига йўл очган муҳим тарихий ҳуж-
жат – Қозоғистон ССР Олий Кенгаши-
нинг қарори билан «Қозоғистон ССР
Давлат суверенитети тўғрисида»ги
Декларация қабул қилинди. Бу ҳуж-
жат мамлакатимиз мустақил тарақ-
қийнинг ҳуқуқий ва сиёсий асосини
яратиб, халқимизнинг тарихий инти-
лишларини ифодалади. Шу боис, 25
октябрь Қозоғистон тарихида давлат
мустақиллиги пойдевори қўйилган
улуг сана сифатида алоҳида аҳамият-
га эга.

1991 йил 16 декабрда қабул қилин-
ган “Қозоғистон Республикасининг
давлат мустақиллиги тўғрисида”ги
Конституциявий Қонун халқимиз ора-
си рўёбга чиққанини ифода этди. Шу
тариқа, Қозоғистоннинг давлат сифа-
тидаги дахлсизлиги ва суверен ҳуқуқи
чексиз мударатга тасдиқланди.

1995 йил 30 августда умумхалқ
референдумида қабул қилинган Кон-
ституция мустақилликнинг ҳуқуқий ва
сиёсий асосига айланди. У инсон ҳу-
қуқлари ва эркинликларини олий қа-
дрийат сифатида белгилаб, мамлакат-
нинг сиёсий тизимини мустаҳкамлади.

ДАВЛАТЧИЛИК ВА ХАЛҚАРО НУФУЗ

34 йил давомида Қозоғистон демок-
ратик институтларни шакллантирди:
Президент институти, Парламент, суд
тизими ва фаол фуқаролик жамияти
қарор топди. Мамлакат иқтисодий-
сиёсий ислохотлар орқали барқарор
тараққиёт йўлини танлади.

Қозоғистон ядровий қуролдан воз
кечиб, 29 августни БМТ ташаббуси
билан “Ядровий синовларга қарши
кураш халқаро кун”и айлантирди. Бу
қадам мамлакатимизнинг тинчликпар-
вар сиёсатини дунёга намоён этди.

Шу билан бирга, давлатимизнинг
халқаро майдондаги обрўси юксалди:

ИСТИҚЛОЛ – ИСТИҚБОЛИМИЗ ВА ЭЗГУ НИЯТЛАРИМИЗ РАМЗИ



чегараларни делимитация ва демар-
кация қилиш, ЕХХТ, ЕОИИ, ШҲТ, МДҲ
ва Туркий Кенгаш каби йирик ташки-
лотларда фаол иштирок этиш, раис-
лик қилиш – барчаси Қозоғистоннинг
халқаро ҳамжамиятдаги нуфузини
мустаҳкамлади.

ИҚТISОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ВА ЗАМОНАВИЙ ИНФРАТУЗИЛМА

34 йил мобайнида Қозоғистон улкан
иқтисодий салоҳиятга эга бўлди. Мам-
лакатнинг табиий бойликлари, қишлоқ
хўжалиги, транзит имкониятлари та-
раққиёт гаровига айланди.

“Ғарбий Европа – Ғарбий Хитой”
транспорт даҳлизи, Транскаспий йўна-
лиши каби стратегик лойиҳалар амал-

га оширилди. Янги пойтахт – Астана
қурилиши мустақил Қозоғистоннинг
янги қиёфасига айланди. Бугунги кун-
да Астана халқаро миқёсда нуфузли
саммит ва анжуманлар ўтказиладиган
марказ сифатида танилган.

ТАЪЛИМ, ФАН ВА МАДАНИЯТ

34 йил ичида мамлакатимиз таълим
ва илм-фан соҳасида катта ютуқларга
эришди. “Болашақ” дастури, минглаб
замонавий мактаблар қурилиши, олий
таълим сифатининг ошиши – булар-
нинг барчаси заковатли миллат шакл-
ланишига хизмат қилмоқда.

“Маданий мерос” дастури доираси-
да тарихий ёдгорликлар тикланди, Хо-
жа Аҳмад Яссавий мақбараси ва “Таң-

балы” археология мажмуаси ЮНЕСКО
руйхатига киритилди.

СПОРТ ВА ЖАМИЯТ ҲАЁТИ

Қозоғистон спортчилари нуфузли
мусобақаларда юртимиз байроғини
сарбаланд этиб, мамлакатнинг янги
қиёфасини намоён этди. Бугун Қозо-
ғистон жаҳонда спортни ривожланган
илғор 30 давлат қаторида турибди.

Этник ва диний тотувлик – мамла-
кат тараққиётининг асосий таянчи. Қо-
зғистон халқи Ассамблеяси – жаҳон-
да ягона институт сифатида миллий
бирлиكنинг рамзига айланди.

ЯНГИ БОСҚИЧ – АДОЛАТЛИ ҚОЗОҒИСТОН

Президент Қасим-Жумарт Тўқаев
таъкидлаганидек: «Биз баракали бир-
лигимиз туфайли турли синовлардан
суринмай ўтган халқмиз. Келгусида
ҳам шундай давом этади. Барчамиз
ягона халқ сифатида, биргаликда адо-
латли ва тараққий этган Қозоғистонни
барпо этайлик.

34 йиллик мустақиллик тарихимиз
– бу миллатнинг ягона мақсад йўли-
даги дадил қадамлари, тараққиётга
ва адолатли давлат қуришга бўлган
интилишидир.

Авазхон АБДУФАТТОҲ.

▼ Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати хабар қилади:

КЎКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ ИШЛАРИДА ЕТАКЧИМИЗ

Вилоятимизда ўрмон жамғармаси майдонлари кенгаймоқда. Ҳозирги кунда минтақада 3 миллион 472 минг гектар давлат ўрмон жамғармаси мавжуд, у вилоят ҳудудининг 30 фоизини ташкил қилади.

Давлат раҳбарининг мамлакат ўрмончилик ҳудудларида 2 миллиард кўчат ўтқазиш тўғрисидаги топириғига кўра, 2021-2027 йиллар учун мажмуавий лойиҳа ишлаб чиқилиб, 110,2 минг гектар ерга 170 миллион туп кўчат экиш режалаштирилган. Вилоят ҳокими Нуралхан Кўшеров раислигида ўтган мажлисда мазкур масала етарлича муҳокама қилинди. Минтақа раҳбари аҳоли манзилларини кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш тадбирларини янада жонлантириш зарурлигини таъкидлади.

Табий заҳиралар ва табиатдан фойдаланишни соzлаш бошқармаси раҳбари Қай-

рат Абдуалиев бу йил вилоят туман ва шаҳарларида 1 миллиондан зиёд кўчат ўтқазиш режаланганини маълум қилди. Бошқарма тасарруфидаги ниҳолхоналардан кўкламда 439 минг тупдан зиёд кўчат сотилган, туман, шаҳар ҳокимликликлари ва ҳомияр ҳисобидан 69 мингдан зиёд кўчат харид қилинган. Натижада, баҳор ойларида жами 509 839 туп кўчат ўтқазилган. Ўрмон ниҳолхоналарининг сонини кўпайтириш ва кўчат сифатини яхшилаш мақсадида ўтган йили 30 миллиондан зиёд кўчат етиштирилса, жорий йил 35 миллион туп кўчат етиштириш режаланган. Бугунги кунда вилоят ҳудудида умумий майдо-



ни 342 гектарни ташкил этган 21та ўрмон ниҳолхоналари мавжуд бўлиб, уларда 17 турдаги кўчатлар етиштирилмоқ-

да. Туркистон вилояти кўчат етиштириш, сифати ва турлари бўйича республикада етакчи ўринни эгаллаб келмоқда.

ТИББИЙ САЙЁҲЛИК – ИСТИҚБОЛЛИ ЙЎНАЛИШ

кўрсатиш сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратди.

Дам олиш масканлари маҳаллий иқтисодиёт учун самарали даромад манбаи ҳисобланади. Табиати сўлим, минерал суви, шифобахш балчиғига эга курорт масканлари фаолият юритмоқда, аммо, уларнинг хизмат кўрсатиш сифати ва нархлари турлича.

Вилоят ҳокими вилоят иқтисодиётида тиббий сайёҳлик муҳим аҳамиятга эга

эканлигини қайд этиб, Саригочнинг шифобахш табиий заҳираларидан самарали фойдаланиш зарурлигини таъкидлади.

Йил бошидан буён Саригоч туманида 16,3 минг сайёҳ дам олди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 32,6 фоизга кам. Санаторийлар сони ортганига қарамай, сифат ва талаб ўртасидаги фарқ сезиларли. Айни пайтда туманда 64та санаторий фаолият юритса, йил охиригача 3та янги маскан ишга туширилади.

ТУРКИСТОН МЕРОСИ ИСЛОМ ОЛАМИ ЭЪТИБОРИДА

Ислом оламининг таълим, фан ва маданият ташкилоти (ИСЕСКО) бош директори Салим бин Муҳаммад Ал Малик раҳбарлигидаги нуфузли делегация вилоятимизга ташриф буюрди.

Сафар Арслонбоб мақбарасини зиёрат қилишдан бошланди. Меҳмонларни вилоят ҳокимининг ўринбосари Ертай Алтаев махсус кутиб олиб, ҳудуддаги тарихий ёдгорликлар билан таништириб, қадимий Ўттор тамаддунининг бой мероси, археологик топилмалар ва шаҳар тарихи ҳақида маълумот берди. Сафар чоғида тарихий иншоотларни Ислом олами маданияи рўйхатида киритиш масаласи ҳам кўриб чиқилди.

Делегация аъзолари меъморчилигида дунёни ҳайратга солиб келаётган Ҳазрати Султон – Хожа Аҳмад Яссавий мақба-



расини зиёрат қилишди. Сўнг “Карвон сарой” сайёҳлик мажмуаси билан ҳам танишдилар. ИСЕСКО делегациясининг

Туркистонга ташрифи давомида қатор маданияи иншоотларни кўздан кечириш режаланган.

»»» Президент ташаббуслари – ҳаётга

“ҚИШЛОҚ ОМОНАТИ” – ЯНГИ ИҚТИСОДИЙ ИМКОНИАТЛАР МАНБАИ

Давлат раҳбари ўз Мактубида қишлоқларда тадбиркорликини ривожлантириш, аҳоли даромадларини ошириш ва миграция жараёнларини барқарорлаштириш вазифасини белгилаб берди. Шу маънода, 2023 йилдан амалга оширилаётган “Қишлоқ омонати” дастури қишлоқ аҳолиси учун янги имкониятлар эшигини очмоқда.

Мазкур лойиҳа орқали деҳқон ва чорвадорлар 2,5 фоизли йиллик имтиёзли микрокредит, техника ва жиҳозларни лизинг орқали олиш имкониятига эга бўлди. Ҳар бир қишлоқ ёки кичик шаҳар аҳолиси, ўз бизнес ғояси билан чиқса, унга маслаҳат берилади, ҳуқуқий кўмак ва амалий ёрдам кўрсатилади. Шу тариқа, кўпплаб юртдошларимиз банкларда гаров сифатида қабул қилинмайдиган уй-жой ёки ер участкалари туфайли рад жавобини олиб келган бўлса, эндиликда давлатнинг бевосита кўллаб-қувватлаш чоратадбирлари улар учун мустаҳкам таянчга айланмоқда.

Дастурдан кўзланган асосий мақсад – қишлоқ аҳолисининг барқарор даромадга эга бўлишини таъминлаш. Бу орқали доимий иш ўринлари

яратилади. Оқибатда, кўчиб кетиш ҳолатлари қисқаради, қишлоқда иқтисодий фаоллик юксалади.

Шунингдек, “Қишлоқ омонати” қишлоқ хўжалиги ширкатларини тузиш, қайта ишлаш корхоналарини йўлга қўйишга жўшқинлик бермоқда. Ҳозирга қадар юзлаб янги ширкатлар ташкил этилиб, уларнинг аксарияти молиявий ёрдам олди. Бу эса кичик тадбиркорлар ва чорвадорларни бирлаштириб, уларни маҳсулотни қайта ишлаш ҳамкорлиқа чоғламоқда. Кооперация асосида қишлоқ аҳолиси ўз имкониятларини қўшиб, янги бозорларга чиқиш, маҳсулотни қайта ишлаш ва сотиш орқали барқарор даромад манбаи яратиш имконига эга бўлмоқда.

“Қишлоқ омонати” – қиш-



лоқ аҳолиси учун фаровон ҳаёт эшигини очаётган, тадбиркорлик салоҳиятини юксалтириб, қишлоқнинг эртанги кунига ишонч бағиш-

лаётган дастур сифатида юртимиз тараққиётига хизмат қилмоқда.

А. АБДУФАТТОХ.

»»» Президент Мактуби – амал дастури

ЯНГИ ДАВРГА БОШЛАЙДИГАН ДАСТУР



Давлат раҳбари Қ. Тўқаев навбатдаги Мактубида Қозоғистоннинг тараққиёт йўналишини белгилаб берди. Жаҳондаги технология ўзаришларини таҳлил қилиб, Қозоғистоннинг ҳам пешқадам рақамли давлатга айланиши даркорлигини таъкидлади.

Уч йил ичида мамлакатни тўлиқ рақамлаштириш, сунъий идрок ва инновация технологияларини жорий этиш вазифаси қўйилди, хусусан, қишлоқ хўжалиги тараққиётига алоҳида эътибор қаратилди. Ер муносабатларини рақамлаштириш, ўзлаштирилмаётган ҳудудларни давлатга қайтариш, сув манбаларини тежаш каби долзарб вазифалар, маҳсулотни қайта ишлаш, экспортни кўпайтириш муҳимлиги қайд этилди.

Бу тадбирлар, айниқса, аграр имконияти катта бўлган Туркистон вилояти учун ўзгача аҳамиятга эга. Минтақадаги экинзорлардан унумли фойдаланиш, иссиқхона хўжалигини ривожлантириш ҳамда замонавий логистикани йўлга қўйиш орқали қишлоқ хўжалигини янги даражага кўтариш имконияти бор. Бу ташаббуслар халқнинг фаровонлигини яхшилаб, барқарор ривожланишига асос бўлади.

Бахтжан РАМАНҚУЛОВ,
«Ауыл» партиясининг Туркистон шаҳри бўйича раиси, вилоят фахрийлар кенгаши раисининг ўринбосари, вилоят жамоатчилик кенгаши аъзоси.

ҚОЗОҒИСТОН ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧИДА

Давлат раҳбарининг Мактубида мамлакатни сиёсий жиҳатдан замонавийлаштириш, иқтисодий юксалтириш тўлақонли рақамли давлатга айлантириш юзасидан кўтарган тарихий ташаббуси давлат келажагини белгилаб берувчи муҳим йўналишдир.

Маълумки, сўнгги йилларда юртимизда Президент Қасим-Жўмарт Тўқаев ташаббуси билан кенг кўламли сиёсий ислохотлар амалга оширилмоқда. Давлат раҳбари сиёсий тизимни такомиллаштириш мақсадида парламент ислохотларини илгари сурди.

Бу масала халқнинг иродаси билан референдум орқали ҳал этилиши эса демократик жараёнларнинг янги босқичга кўтарилаётганидан далолатдир. Бир палатали парламент Қозоғистондек яхлит, унитар давлат учун тўғри йўл сифатида қаралмоқда. Бу қонун ижодкорлиги тизимини такомиллаштириш, депутатлар нуфузини ошириш ва Ҳукумат фаолияти устидан самарали назорат ўрнатиш имконини яратди. Партиявий тизим орқали шаклланган парламент эса сиёсий рақобат ва фикрлар турфалигини кучайтиради.

Шимкент шаҳар маслаҳати депутати сифатида мен ҳам Мактубда белгиланган устувор вазифалардан бири – ҳудудларга сармоя жалб этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратдим. Президент таъкидлаганидек, сармоя жалб этиш нафақат марказий ижро идоралари, балки маҳаллий ҳокимликларнинг ҳам масъулияти ҳисобланади. Шу маънода, Шимкент шаҳрида сармоя муҳитини яхшилаш борасида ижобий натижалар кузатилмоқда. Жорий йилнинг январь-июнь ойларида шаҳар иқтисодиётига 359,9 миллиард тенге сармоя жалб этилди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 31 фоизга кўп.

Давлат раҳбарининг махсус иқтисодий минтақаларни бошқариш самарадорлигини оширишга оид кўрсатмалари жуда долзарбдир. Шимкент шаҳридаги "Ontustik" МИМнинг имкониятларидан тўғри фойдалана олсак, бу шаҳар саноати тараққиётининг ҳаракатлантирувчи кучига айланиши мумкин. Шу билан бирга, ижтимоий-тадбиркорлик корпорациялари фаолияти тубдан қайта қўриб чиқиши керак. Зеро, Давлат раҳбари белгиланган иқтисодий ислохотларнинг олий мақсади – янги иш ўринларини яратиш, аҳоли даромадини ошириш ва турмуш сифатини юксалтиришдан иборат. Шу боис, Мактубда белгиланган вазифаларни ҳаётга татиқ этишда бутун жамият фаол иштирок этиши зарур.

Лазиз СУЛАЙМОНОВ,
Шимкент шаҳар маслаҳати депутати.

ЁШЛАР ҚАЛБИДА ИШОНЧ ВА УМИД УЙҒОТДИ



Ўрта Осиё олий тиббиёт коллежи устозлари ва талабалари Давлат раҳбари Қасим-Жўмарт Тўқаевнинг етти йўналишдан иборат "Қозоғистон сунъий идрок даврида: долзарб масалалар ва уларнинг ечими – рақамли ислохотлар орқали" Мактуби билан диққат билан танишиб чиқдим.

Йилнинг асосий ҳужжатида ёшлар келажакига алоҳида аҳамият қаратилди, "Ёш авлод онгидаги ватанпарварлик – келажакка чин дилдан интилишдир. Келажакда қандай бўлишимиз фақат ўз кўлимизда эканини яхши англаймиз. Шу боис, илм-маърифатга интилаётган ёшларни ҳар томонлама кўллаб-қувватлашини давом эттираймиз. Бугун амалга оширилаётган ислохотлар ёшларнинг ёрқин келажагини кўзлаб қилинмоқда. Эртанги авлод унинг самарасидан баҳраманд бўлади ва уни муносиб давом эттиради", дея, таъкидлади Президент.

Ҳар қандай даврда жамиятнинг ҳаракатлантирувчи кучи бу ёшлардир. Мактубдаги мазкур ғоя ёшлар қалбида ишонч уйғотди.

Давлат раҳбари ёрқин келажакни кўзлаган давлат учун тинчлик ва ҳамжиҳатлик муҳимлигига алоҳида эътибор қаратди. Улкан ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маънавий аҳамиятга эга ҳужжатдаги ҳар бир белгиланган вазифани ҳаётга татиқ этиш, ўз тақдири Янги Қозоғистон тақдири билан боғлаган ҳар бир қозоғистонликнинг муқаддас бурчидир.

Дилдора ҲАСАНОВА,
колледж директори.

»» Топиб ўқинг!

БОЛАЛИКДАН ДОНОЛИККА

Ушбу китоб муаллифи Сейилбек Мирзабай, рисолаи ўзбек тилига Муроджон Маҳаммаджон ўғли таржима қилган. Тошкент шаҳридаги “Credo Print” МЧЖ босмахонасида чоп этилган.

Муаллифдан: “...2013 йилда инглиз тилини яхшироқ ўрганиш мақсадида Мальтага бордим. Гуруҳимизда испан, итальян, турк, рус ва немис ёшлари бор эди. Кечқурун ёшлар йиғилиб, турли мавзударда суҳбат қурардик. Бир кун Шмидт исмли немис йигити кайфиятсиз, суҳбатга қўшилмай ўтирди.

– Сенга нима бўлди? – десам, у:

– Nullbock auf Nichts, – деб кўнгилсиз жавоб берди.

Бу немис ёшлари томонидан кўп ишлатиладиган лаҳжа. Бу – “Ҳеч нарсага қизиқишим йўқ”, “Ҳаёт қизиқ эмас”, дегани. Ўшанда бу сўзга унча эътибор қаратмагандим.

Кейинроқ тил курсини очиб, ўқувчиларга инглиз тилидан дарс бера бошлаганимда улардан бу иборани тез-тез эшитадиган бўлдим. Шундан кейингина мен бунга аҳамият бера бошладим. Чунки “ҳеч нарсага қизиқиши йўқ” билмасвой ўқувчига дарс бериш ҳақиқатан ҳам жуда қийин. Ота-онаси барча шароитни яратиб қўйган. Давлат ҳам мактабга тегишли моддий-техникавий асос ва кадрлар салоҳиятини оширмоқда. Лекин болаларнинг ўқишга, яшашга иштиёқи кундан-кунга сўниб бормоқда.

Энди савол! “Ҳеч нарсага қизиқиши йўқ” боланинг ҳаётга бўлган иштиёқини қандай уйғотиш мумкин?

Болани ўқитиш учун турли услубий қўлланмалар билан қуrollаниб, тилни пухта эгаллашнинг ўзи етарли эмаслигини англадим. Кўнглимда “Партада ўтирган ўқувчи ким? Боланинг табиати нимадан иборат? Уни қандай қилиб тўғри таний оламиз?” каби экзистенциал саволлар туғила бошлади. Мен ушбу саволларга жавоб излай бошладим. Академик соҳада инсоннинг руҳий табиатини аниқ ўрганадиган фаннинг бир тармоғи логотерапиядир. Бу фаннинг асосчиси веналик олим Виктор Франкл ҳисобланади. У XX асрнинг энг кўзга кўринган психиатрларидан бири сифатида тан олинган.

Франкл кишининг МАЗМУНГА ИНТИЛИШИ билан унинг РУҲИЙ САЛОМАТЛИГИ ўртасида чамбарчас боғлиқлик мавжудлигини биринчи бўлиб исботлаган олим. Франкл назарияси ҳаётининг маъносини йўқотган ва мушкулликка тушган одамни қўллаб-қувватлаётган руҳшунос шифокорларга жуда кўп ёрдам берди. Унинг “Ҳаётдан маъно излаган одам” асари қозоқ тилига “Оила хрестоматияси” туркумида таржима қилинган. Сўнгра унинг “Логотерапия ёки ҳаётга иштиёқ”, “Болаликдан доноликка” китоблари ҳам чоп этилди. Бу китоблар муаллифнинг фалсафий фикрлари ва руҳшунослик таҳлилларидан иборат. Биз эса унинг педагогик жиҳатини ривожлантиришни хоҳладик. Франкл педагог эмас, аммо унинг шогирдлари орасида логотерапия услубиятини ишлаб чиққан логотерапевтлар бор.

Улардан бири Элизабет Лукасдир. У логотерапия методикаси ва техникасини ривожлантириб, такомиллаштирган олим. Франкл агар орол бўлса, Лукасни бу орол ва қуруқликни боғлайдиган олтин кўприкка ўхшайди, дейиш мумкин. Замонавий технологиялар ва Интернет туфайли биз ўша ажойиб ва мўъжаз кўприкка қийинчиликсиз улашишга муваффақ бўлдик. Биз Интернет дўконлардан австриялик олимнинг инглиз ва рус тилларига таржима қилинган бир нечта китобларини харид қилдик. Улар: инглиз тилидаги “Meaning in suffering: comfort in crisis through logotherapy”, “The therapist and the soul: from fate to freedom”, “Meaningful living: introduction to logotherapy theory and practice”, “Logotherapy: principles and methods”, русча “Учебник логотерапии: представление о человеке и методы”, “Семинары по логотерапии”, “Источники осознанной жизни. Преврати проблемы в ресурсы”, “Искусство уважения. Как помочь ребенку найти свой путь?”, “Франкл и Бог. Открытия психотерапевта о религии и Боге”, “Свой путь направь к звезде. Душевное равновесие в трудное время”, “Психотерапия с достоинством. Конкретная логотерапия” каби асарлардир.

Хўш МАЗКУР КИТОБ ҚАНДАЙ ЁЗИЛДИ?

Энди унга тўхталиб ўтамыз. Китобнинг 60-70 фоизи Элизабет Лукаснинг илмий ишлари асосида битилган. Биз улар билан чекланмасдан бошқа олимларнинг ҳам маълумотларини киритдик.

Аммо унутманг, бу китоб академик иш эмас. Оддий китобхон академик матнни тушуна олмайди. Логотерапиянинг илмий назарияси ва услубияти оддий ўқувчига осон ва тушунарли бўлиши учун биз унга турли ҳаётий воқеалар билан ойдинлик киритишни лозим топдик.


Бу китоб ота-оналар, ўқитувчилар ва мактаб руҳшунослари учун тайёрланди. Чунки, улар болалар таълим-тарбиясига бевосита масъулдирлар. Боланинг табиатини қанчалик тўғри тушунсак, уни тўғри тарбиялаш шунчалик осон кечади.

Бир пайтлар инглиз тилини ўргатувчи курс сифатида бошланган лойиҳам эндиликда нафақат тил ўргатувчи, балки бошқа қадриятларни ҳам улуғлаб, таништирувчи болалар лагерига айланди. У ҳақида китобда айтилган. Ўша лагерга тарбияси оғир болалар ҳам келади.

Ростини айтсам, муаммонинг 90 фоизи ота-ондан келиб чиқади. Улар болани мустақил шахс, руҳий потенциал, эркинлик эгаси деб ҳисобламайдилар. Ақл-идрокини чархлаб олсак, келажақда катта пул топадиган “машина”га айланади, деб ўйлайдилар...”

...Хуллас фарзанд ва ўқувчиларга билим бериш ва тарбиялашда ажойиб қўлланма, ушбу китоб. Топиб ўқисангиз, афсусланмайсиз.

Мақсад БЕК.



Қоратоғ этагидagi Кентов шахрига вилоят оқсоқоллар кенгаши ҳайъат аъзоси Тўлқин Саидмуродов ҳамда “Жанубий Қозоғистон” нашри бош муҳаррири Ра-иймжон Алибоев ҳамроҳлигида отландик. Шаҳарҳокимлиги девони раҳбари, ички сиёсат бўлими, шаҳар таълим бўлими мутахассислари билан мулоқотда бўлиб, келаси иш режаларини белгиладик. Шаҳар ҳокими матбуот хизмати мутасаддиси Ж. Алимбаева жорий йил 3 октябрь кун Кентов шаҳрининг 70 йиллик тўйини ўтказишга ҳозирлик қўраётганини маълум қилди.



Шаҳар маслаҳати раиси, Қарноқ қишлоғидан сайланган ишчан депутат Қаблан Жамалбекули қабулида давлат раҳбари Мақтуби, обунани ташкил этиш баробарида яна қатор таклифлар: 2026 йили адиб Одил Ёқубовнинг 100 йиллигини нишонлашга тайёргарлик, унинг номини абадийлаштириш, Қарноқ қишлоғига Саврон тумани Югнак қишлоқ округи тарафидан қириладиган гавжум йўл устида арк дарвозасини бунёд этиш, таржима асари



»» Обуначиларимиз орасида

ДЎСТЛИК ВА БИРЛИК ТИМСОЛИ

Мақтабимизда инглиз, қозоқ, рус ва ўзбек тиллари ҳафталиги юксак савияда ўтказилди. Тиллар байрами доирасида ташкил этилган ҳар бир тадбир ёш авлод қалбида Ватанга, тилга ва маданиятга бўлган муҳаббатни мустаҳкамлади.

Турли тилларда янраган кўшиқлар, шеърхонлик файзи ва рақслар таровати барча иштирокчиларга ажойиб байрамона кайфият улашди. Ҳафталик доирасида буюк Абай Қўнанбаевнинг 180 йиллигига бағишланган адабий кеча ҳам ташкил этилди. “Абай – халқнинг ақл ва қалб ойнаси” мавзусида ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Феруза Анорбоева бошчилигида Абайнинг “Қора сўзлари” ўзбек тилида ифодали ёддан айтилди. Ҳафталик поёнида 6-синф ўқувчилари “Тиллар байрами”га бағишлаб, чиройли

кўшиқ ва рақслар ижро этишди. Бу саҳна кўринишлари байрамга янада шуқуқ бағишлади.

Тил – халқнинг руҳи, миллатнинг ойнаси. Мақтабимизда ўтказилган бу ҳафталик ҳар бир ўқувчида ўз тилига фахр, бошқа тилларга эса ҳурмат туйғусини уйғотди. Тадбир ҳақиқий маънода чиройли ва мароқли тарзда ўтди. Тадбирни ўтказишда устозларимиз Дилрабо Маҳмудова, Нилуфар Ўмарбаева ташаббуси ва фаол иштирокидан беҳад миннатдор бўлдик.

ҚР Мустақиллигининг 34 йил-

лигига бағишланган “Тил – тоғулик таянчи”, деб номланган тиллар фестивали ташкил этилди. “Тил – дўстлик риштаси”, “Биз саводли ёзамиз” тадбирлари ҳамда “Абай – дара, Абай – дана қазақта”, деб номланган адабий кеча ташкил этилди. Ўқувчилар Абай шеърларини ёддан ўқиб, қўшиқлар ижро этишди. Абайнинг “Ўзга тилнинг барини бил, ўз тилинги унутма”, деган васияти бугунимизнинг асосий шиоридир. Она тилини теран билган инсон ўзга тилини ҳам ҳурмат қилади.

Тиллар байрами ўқувчилар

билим ва маънавиятини бойитиб, улар қалбида турли халқлар маданиятига ҳурмат, дўстлик ва бирдамлик туйғуларини янада мустаҳкамлади.

Шоира ЖАЛИЛОВА,
Гўзал ИСОЕВА,
Туркистон шаҳридаги
Э. Иззатуллаев номли
умумтаълим мактабининг
ўзбек тили ва
қозоқ тили фани устозлари.

Тасвирда: тадбирдан лавҳа.

КЕНГАШГАНГА КЕНГ ДУНЁ

КЕНТОВ ШАҲРИ ЖОРИЙ ЙИЛ 3 ОКТАБРЬ КУНИ
70 ЙИЛЛИК ЮБИЛЕЙИНИ ТАНТАНАЛИ НИШОНЛАШГА
ҲОЗИРЛИК КЎРМОҚДА

Абай номидаги давлат мукофотига ноил бўлган муаллим, меҳнатлари, шахсан ҚР Президенти Қ. Тўқаевнинг “Ташаккурнома”си билан тақдирланган таржимон, шоир, ҚР Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Долимжон Сайфуллаев ҳамда эл ардоғидаги устоз санъаткор, моҳир сурнайчи, бепоян Қозоғистоннинг жануби ва шимолида санъатини холис намойиш этиб, мухлислар меҳрини қозонган Файзулла Мирзахмедовни давлат томонидан нуфузли мукофотлар билан тақдирлаш таклифлари баён этилди.



Кентов шаҳар ЎЗМБ раиси, тажрибали ҳуқуқшунос Санобар Самиева обунани ташкил этишга кўпчилик бўлиб барвақт киришилса, натижаси баракали бўлишини таъкидлади. Шаҳар фахрийлар кенгаши раиси ўринбосари, ҚР Фахрий фуқароси Маъмуржон Йўлдошев ҳар обун мавсумида 20дан зиёд ҳамшаҳарларини обунга жалб этаётганлиги ибратли жиҳат.

Шаҳардаги А. Навоий номли мактаб директори вазифасини бажарувчи тажрибали устоз Нодири Абдуллаева ҳамда кутубхона мудираси Марҳабо Дўсметова кўпчилик билан бамаслаҳат ҳолда 56 нусхалик ҳозирги кўрсаткични келаси ярим йилликда кўпайтиришга синфлар, ота-оналар, ҳимматли инсонлар кўмаги ила астойдил киришишларини таъкидлашди. Ҳар йили февраль ойида нишонланадиган улуг адиб А. Навоий таваллудига бағишланган тадбирлар ушбу ўқув даргоҳида халқаро даражада ибратли ўтказилганлиги шонли тарих.

Ярим асрлик юбилейини нишонлаган тажрибали устоз Мансур Ақешов раҳбарлик қилаётган Ў. Жанибеков номидаги гимназия мактабида 900дан зиёд ўқувчилар таълим-тарбия олишади. Мактаб биноси 1953 йили бунёд этилган. Устозлар жамоаси келаси ярим йилликда 80 нусхалик илгариги кўрсаткични ишонч ила давом эттирадиган бўлди.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирларда: 70 ёшдаги шаҳар фаоллари – зиёлилари ҳузурда.

Муаллиф суратга олган.

P.S: Тахририят номидан фаол муштарийларимизни Кентов шаҳрининг 70 йиллик таваллуд тўйи шодиёнаси ила муборакбод этиб, мустаҳкам соғлиқ ва саодат тилаймиз.



»» Хотира – муқаддас

ҲУРМАТЛИ ҲАМКАСБИМИЗ ЭДИ

физика-математика факультетини 1971 йили тамомлаб, меҳнат фаолиятини Наманган вилоятининг Задарё туманидаги мактабда математика фани устози бўлиб бошлади.

1973 йили ҳарбий хизматни ёруғ юз билан адо этиб, қадрдон қишлоғидаги собиқ Иқон, ҳозирги Ал-Форобий номли умумтаълим мактабиди меҳнат фаолиятини самарали давом эттирди. Кўплаб иқтидорли шогирдлар тайёрлади. Меҳнатлари туман таълим бўлими, мактаб маъмурияти томонидан муносиб тақдирланган.

Умр йўлдоши Зебинисо Халлло қизи Субатова билан

Муроджон, Акмал (ота изидан бориб, устозлик касбини давом эттирмоқда), Мавлуда исмли вилоятнинг Задарё туманидаги мактабда математика фани устози бўлиб бошлади.

Марҳумнинг оиласига, қариндош уруғларига мазкур айрилиқ муносабати билан ҳамдардлик билдириб, таъзия изҳор қиламиз. Ҳурматли ҳамкасбимизни Аллоҳ ўз раҳматига олиб, охирагини обод қилсин.

Саврон тумани Эски Иқон қишлоғидаги Ал-Форобий номли мактаб жамоаси, касаб ва уюшмаси кўмитаси.



Ҳаётини ёш авлод таълим-тарбияси, математика фани равақида бахшида этган нафақадаги ҳурматли ҳамкасбимиз Файзихон Субатов 77 ёшида фанийдан чин дунёга риҳлат қилди.

Файзихон Субат ўғли 1948 йили 7 июнда Эски Иқон қишлоғида туғилди. Гагарин номли мактабда ўқиди. Наманган давлат педагогика олийгоҳининг

“Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси тахририяти Тўлебей туман ЎЗМБ раиси ўринбосари Анормат Лочинга ўғли Азамат АНОРМАТ ўғлининг бевақт вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдириб, қуқур таъзия изҳор қилади.

“Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси тахририяти вилоят ЎЗМБ бошқаруви маориф аълочиси, нафақадаги устоз, вилоят ЎЗМБ қошидаги оқсоқоллар кенгаши раиси, газетани жонқуяри Зуппархон Чолдоновга акаси

Файзихон СУБАТОВнинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдириб, таъзия изҳор қилади.

Ўтганларнинг охираати обод бўлсин!

ҚР Президенти Қ. Тўқаев ҚХА-нинг XXXIII сессиясида “Биз – бир юртнинг фуқароларимиз. Тарих тақдири бизни бирлаштирган, келажакка ишонч билан қадам ташлаялмиз. Биз аждодлар омонатига содиқ қолиб, Ватанимизнинг ёрқин келажagini ҳамжиҳатликда бунёд этамиз. Мақсадимиз аниқ – Адолатли Қозоғистонни барпо этиш”, дея таъкидлади.

Тарих тажрибаси шуни кўрсатадики, ҳар бир давлат барқарор тараққиётга эришиш учун бирдамлик ва ҳамжиҳатликка таянади. Айнан бирдамлик – тараққиётнинг асосий пойдевори ҳисобланади. Мана, 30 йилдан буён Қозоғистон халқи Ассамблеяси ушбу қонунчилиқни ҳаётга татбиқ этиб, юртимизда миллатлараро тотувлик



ва ҳамжиҳатлиқни мустаҳкамлаб келмоқда. Ассамблея тажрибаси халқаро ташиқлотлар томонидан юксак баҳо-ланиб, 50дан зиёд тилларга таржима қилинган эса унинг аҳамиятини яққол кўрсатиб турибди.

Қозоғистон тажрибасининг муҳим жиҳатларидан бири – мамлакатда истиқомат қилаётган барча миллат вакиллариға нисбатан адолатли муносабат йўлга қўйилганидир. Юртимизда ҳуқуқ ва имкониятлар миллатлар со-ниға қараб тақсимланмаган. Ҳар бир инсон ўз она тили ва миллий маданият-тидан эркин фойдаланиш, мулоқот ва тарбияда, таълим ва ижодда хоҳлаган тилни танлаш ҳуқуқига эга. Шонли 30 йиллигини нишонлаётган Қомуси-миз миллий озчиликларға ўз жамоат бирлашмаларини ташкил этиш, урф-одатлари ва тарихини ўрганишининг кенг имкониятларини тақдим этди. Ушбу қарорнинг асосий мақсади – ҳар бир инсон ўз илдизини англаб, қимли-гига замин яратиши эди. Зеро, ўзини танимаган инсон бошқа инсонни ҳам ҳурмат қилолмайди. Қозоғистондаги бундай сиёсат миллий тотувлиқнинг, маданий хилма-хилликка асосланган бирдамликнинг пойдевориға айланди. ҚХАнинг 30 йиллик фаолияти шуни исботладики, ҳар бир фуқароға тенг ҳуқуқ бериш орқали миллатидан ёки динидан қатъиназар тенг масъулият ҳисси ҳам кучаяди. Бу эса юртимизни жаҳон ҳамжамиятиға тинчликпарвар сиёсат билан танитди, барқарорлиқни таъминлади, сармоя оқимини йўлга қўйди.

Ассамблея фаолиятининг ўзига хос аҳамияти ҳам ана шу жиҳатлар-да намоён бўлади. У доимо жамият эҳтиёжидан келиб чиқиб, замон тала-бига мос равишда иш олиб бормоқда. Оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш мақсадида ҚХА таркибида Оналар

миллий ифтихор туйғуси билан улғайи-ши бевосита она тарбиясига боғлиқ. Оналарнинг маънавиятли ва мада-ниятли бўлиши бутун мамлакат мада-ниятининг пойдеворидир. Кенга-шининг асосий вазифаси – ҳамюртларимизда ватанпарварлик, бирлик, дўстлик ва бағрикенглик руҳини синдириш-дан иборат. Бугунги кунда Оналар кенгашиға қарийб 12 минг кўнгилли аъзо эканлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Улар, мамлакатимизнинг чекка қишлоқларида ҳам фаолият юритиб, соғлом ва маънавий жамиятни шакл-лантиришға муносиб ҳисса қўшмоқда. Шу билан бирға, Кенгаш ташаббус-лари жамиятда аёл ва она макёини ошириш, оила институтининг аҳамия-тини кучайтириш, ёшларни ва келажак авлодни инсонпарварлик, ватанпар-варлик руҳида тарбиялашға хизмат қилмоқда. Яқинда Туркистон шаҳрида ўтказилган оила қадриятларини улуғ-лайдиган тадбир ҳам айнан ушбу мақ-садларға қаратилди.

Шимкент шаҳар “Дўстлик уйи”да Қозоғистон халқи Ассамблеясининг 30 йиллик шонли санасига бағишлан-ган “Оила куни” байрам тадбири ўтди. 2013 йилдан бошлаб аънаанаға айлан-ган Оила куни байрами мамлақати-мизда нишонланадиган аънанавий ва бетакрор байрамлар сафига кирди. Тадбирда намунали оила сифатида сараланиб олинган оилалар ўртаси-да ўтказилган танлов натижаларига кўра, турли номинацияларда хонадон соҳибларига мукофотлар топширилди.

Шимкент шаҳар Қозоғистон хал-қи Ассамблеяси қошидиға оналар кенгаши раисаси Г. Суғирбаева тадбирни очиб, танловда фаол иш-тирок этганларға миннатдорчилик билдирди:

– Сентябрь ойининг иккинчи яқшан-

спортда юксак чўққиларни забт этиб, ҳамюртларига ўрнат бўлаётган хона-донлар – истиқболимиз. Бугунги тад-биримизнинг бош мақсади – намунали оилалар сафини кенгайтириш. Бундай кунларға йиллар мобайнида тиним-сиз меҳнат, сабот ва чидам билан эришилади. Қандай она бўлиш керак? Отанинг оиладаги аҳамияти нимадан иборат? Бу саволларға жавоб оила-вий қадриятлар орқали топилади. Шу боис, оналар кенгаши ўз фаолиятини ушбу йўналишда йўлга қўйган. Асосий мақсад – оилавий қадриятларни мус-таҳкамлаш, уларни авлоддан-авлодға етказишдир. Яқинда 26та оиладан аризалар қабул қилинди. Махсус ко-миссия уларни саралаб, уч номинация бўйича баҳолади. Биринчи номина-циямиз “Алтын шаңырақ” – ярим аср-дан буён фарзандларни тарбиялаб, анча доволарни ортда қолдирган хо-надонларни сараладик. Иккинчи номи-нациямиз – “Кўмис кереге”. Унга кўра, чорак аср мобайнида бирға яшаб, оила-вий қадриятларни фарзандлари он-гига синдираётган муносиб оилаларға топширамыз. Учинчи номинациямиз эса – “Азамат тарбиялеген отбаси”. Бу номинацияға муносиблар ҳақиқат-тан ҳам жамиятға муносиб фуқарони етиштириб берган оилалар бўлиши жоиз. Этномаданият бирлашмалари билан ҳамкорликда ўтказилган ушбу танловимиз, даставвал, туманлар бос-қичида ўтди.

Шимкент шаҳар грузин этнома-даният бирлашмаси раиси Заал Бочоришвили сўзға чиқиб, ушбу байрам ҳақида шундай фикрларни билдирди:

– Оила куни мамлакатимиздаги му-ҳим байрамлардан бири. Оила ватан ичидаги ватан бўлиб, давлатимизнинг мустаҳкамлиги ўша хонадонлардаги тинчлик, осойишталик, барқарорликка бевосита боғлиқ. Келажак авлод тар-бияси ҳам мактаб остонасидан эмас, оиладан бошланади. Биз, Иттифоқ даврида яшаган авлод вакилларимиз. Ўша даврда бир лавозимға кадрлар танланадиган бўлса, мажбурий тарз-да унинг оилавий ҳолати эътиборға оинарди, бундан ташқари, ўзи яша-ган оиласи шароити ҳам синчиклаб ўрганиларди. Агар борди-ю ходим ажрашган бўлса, уни юқори лавозимға тайинлашмас эди. Бир тушунча ўша даврда қадрият саналарди – оиласи мустаҳкам бўлган ҳамда оила аъ-золари учун кўрғон барпо эта олган инсонига келгусида бошқарадиган жамоасида ҳам катта ижобий кўрсат-кичларни тақдим этиши мумкин. 36 йил аввал олий таълим масканининг йўлланмаси бўйича тақдир мени Шимкентға йўллади. Қозоғистонда истиқомат қиладиган 100дан зиёд миллат вакиллари хонадонида катта авлод вакиллариға бўлган ҳурматнинг юксаклигини кўрдим. Еттинчи авлодға қадар давом этиб келаётган ҳамда инсоний қадриятларға айланган муно-сабатлар мени лол қолдирган. Грузия Республикасида таваллуд топганман, ёшлигим сўлим Гуржистонда ўтган. Ва-танимда қолган ота-онамға кўнгирак қилиб, институтдан Шимкент шаҳриға

йўлланма беришганини маълум қил-дим ва ота-онамни хурсанд қилдим. Фарзандларимизға бахшида этган саъй-ҳаракатларимиз, меҳнатларимиз самарасини кўриш барчаға насиб эт-син. Бугунги танловда “Фуқаро тарбия-лаган оила” номинациясига муносиб топишган ЎЗМБ томонидан тавсия этилган Қурбонхўжаевлар хонадонини табриклайман.



Таниқли жамоат арбоби, Шимкент шаҳрининг фахрий фуқароси, ҚХА аъзоси, корейс этномаданият бир-лашмаси раисаси Роза Пак мазкур байрам ҳусусида эзгу ниятларини соф қозоқ тилида изҳор қилди:

– Ватан оиладан бошланади. Мана, 50 йилдан ошибдики, таълим соҳаси-да меҳнат қилиб келялман. Мамлака-тимизда келажак учун шароитларни катта авлод вакиллари тасаввур ҳам қилмаган. Бутун дунё болалар учун, улар истаган шароитлар муҳайё. Ои-лаларимизға фарвонлиқ тилайман. Бир чангароқ остида 130дан зиёд мил-лат вакиллари тотув умргузаронлик қилишмоқда. Қатагон йилларида қозоқ халқи сургун қилинган оилаларни қал-бини очиб, қарши олди, нон-тузини ба-ҳам кўрди. Шу тахлитда тақдир тақо-зоси билан корейс халқи Қозоғистонға сургун қилинган. Қаерда бўлишимиз-дан, қайси шароитда яшашимиздан



қатъиназар, қозоқ халқининг бу бағри-кенглигини унутмаймиз. Қозоқ элиға миннатдорчилигимиз чексиз. Бугунги кунда эса ушбу тадбирда иштирок этиб, номинация соҳиблари бўлган ои-лаларни қутлаш мен учун шараф. Ои-ла кунининг катта байрам қилиниши, Давлатимиз раҳбари олиб бораётган оқилона сиёсатининг самарасидир. Миллий хилма-хиллик бу доим гўзал-лик, бирлик ва ҳамжиҳатликнинг тим-соли бўлиб келган. Ҳамюртларимиз қаерда истиқомат қилишларидан қатъ-иназар, доим қозоғистонлик бўлишға-нидан фахрланиб келишган.

Нотиқ Буркит хонадонини “Кўмис кереге” номинациясига муносиб, деб топиганини эълон қилди ҳамда оила аъзоларига мукофотларини топшир-ди. Намунали оилаларни тақдирлаган Шимкент ҚХА аъзолари дунёда мил-лий низолар кучайиб бораётган бир даврда ҚХА тинчлик ва тотувлиқни



сақлашнинг самарали шакли сифа-тида алоҳида аҳамиятға эга экан-лигини таъкидлашди. Янги дунёвий таҳдидлар замонида ҳам Ассамблея ўз вазифасини замонавий талабларға мослаштириб, мамлакатнинг барқарор тараққиётига ҳисса қўшиб келаётгани ҳамжиҳатлигимизнинг янги босқичла-ри эканлигини айтишди.

Тадбирда иштирок этиб, “Муно-сиб фуқаро тарбиялаган оила” но-минациясида намунали оила сифа-тида тақдирланган Қурбонхўжаев-лар оиласи вакиласи Насибахон билан мулоқотда бўлиб, хонадон аъзолари билан яқиндан танишдик.

Насибахон Қурбонхўжаева оила бекаси. Бир неча йил мобайнида бо-лалар касалхонасида ҳамшира бўлиб ишлади. Баҳромхон билан оила қуриб, фарзандлар кўрди. Ҳамшираликдан уй бекалигини афзал билди. Фар-зандлар ёш онанинг бутун эътибори-ни оилаға қаратишни талаб қилди. Тўнғичи Жасмина Ж. Ташенев номли университетнинг 2-босқич талабаси. Келажакда инглиз тили мутахассиси бўлади. Ўғли – Достон Нахимхонов Академик А. Қуатбеков номидаги Халқлар дўстлиги университетида грант асосида 1-босқичда тахсил олмоқда. Кенжаси Ҳожиқон – 5-синф ўқувчиси. Қайнона ҳамда қайнотаси, фарзандлари билан катта хонадонда умргузаронлик қилаётган оила бекаси.

– Бугунги тадбирға қимлар билан келдингиз, саҳнаға чиқаётганингиз-даги ҳаяжонларингизни гапириб берсангиз.

– Мен учун опамдек бўлиб қолган қайинэгаларим ҳам биз билан бир-галикда саҳнаға кўтарилишганидан хурсанд бўлдим. Ушбу муваффақиятға эришишимизда – қайнона ҳамда қай-нотамдан тортиб, яқин қариндошлар-имизгача барчаларининг хизматлари беқийс. Умр йўлдошим тадбиркорлик билан шугулланади. Қайнотам На-жимхон ота айлани дамда нафақада бўлсалар ҳам, чилангарлик билан шу-гулланади. Қайнона ойжоним Азиза опа болалар боғчасида меҳнат қилган. Ўғлим Достон болаглигидан тазкван-до билан шугулланади. 12 йиллик машқлари самарасини турли халқаро ва нуфузли беллашувларда қўлга ки-ритаётган ғалабаси билан исботлаб келмоқда. Спорт усталигига номзод. Бугунги тадбирда ўғлимнинг қўлга



кенгаши ташкил этилди. Бунинг зами-рида муҳим ҳақиқат мужассам: миллат келажаги, фарзанд тарбияси, аввало, оналарнинг қўлида. Онанинг берган тарбияси фарзанднинг жамиятда ўз ўрнини топишға катта рағбат беради. Шу боис, фарзандларимизнинг бир неча тилларни билиши, тарихини ўр-ганиши, урф-одатларни қадрлаши ва

басини Оила куни сифатида нишон-лаймиз. Жорий йилда нишонланаётган байрамимиз ўзгача руҳда ўтапти. ҚХАнинг 30 йиллиги билан бақамти келган байрамимизда миллатлараро ҳамжиҳатлиқни мустаҳкамлашда ўз ҳиссасини қўшаётган, юртимизнинг фидойи фарзандлари эса қозоғистон-ликларға илм-фанда, санъат ҳамда

Директор – Бош муҳаррир
Райимжон Ортиқбой ўғли
АЛИБОВЕВ.

Бош муҳаррир ўринбосарлари:
Муроджон АБУБАКИРОВ.
Авазхон БҮРОНБОВЕВ.

Масъул котиба – Шаҳноза УСМОНОВА.

Масъул шахслар:

Туркистон, Саверон – Шомирза МАДАЛИЕВ. +7701-610-51-22.
Қазигурт – Хуршид КҮЧҚОРОВ. +7701-447-37-42.
Сайрам – Зокиржон МҮМИНЖОНОВ. +7702-278-96-90
Тулкибош – Мунира САЪДУЛЛАЕВА. +7742-144-60-71.
Жетисай, Мақтарал – Мухтабар УСМОНОВА. +7701-257-36-97
Келес, Саригонч – Малика ЭЛТОЕВА. +7702-841-78-82
Кентов, Сўзоқ – Рўзихун МАДАЛИЕВ. +7708-824-20-97.

Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги.
Мулк эгаси – “Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси тахририяти” масъулияти чекланган биродарлиги.

● Мақолалар, эълон ва билдиривлардаги факт хамда далилларини тўғридан уқун мавқиф-лар, реплика ва эълон берувчлар масъулдир.
● Фойдаланилмаган мақолаларға ёзма жавоб қайтарилмайди.

Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхатға олинди, КЗ34VPY00022503 гувоҳнома берилган.

“ЕРУНД”-нинг “МББ босмахонасида чоп этилди, Шимкент шаҳри, Т. Алимқулов кўчаси, 22.

МАНЗИЛИМИЗ:
160000, Шимкент шаҳри,
Тауке хан шоҳқўчаси, 49-уй, 3-қават.
Телефон: 78-13-27, +7778-618-39-05
Электрон почта: janubiy@inbox.ru

Нашр кўрсаткичи – 65446. Адади – 10500 нуска.

Буюртма 2166. Навбатчи муҳаррир: Мунира САЪДУЛЛАЕВА.